

Онлайн таълим

21:06 / 21.05.2016 3208

Савол: Ассаламу алайкум, ҳурматли Шайх Ҳазратлари! Итернет орқали таълим олиш ҳақида эшитиб жудаям хурсанд бўлдик. Инша Аллоҳ яқин кунлар ичида бу ишларни ҳам йўлга қўясизлар, деб дуодамиз. Аллоҳ бу хайрли ишларингизга Ўзи мададкор бўлсин ва бу ишларни амалга оширишни Ўзи осон айласин. Интернет орқали таълим олиш ҳақида фикр билдирмоқчиман. Таълим тажвид қоидалари билан фикҳ бўйича олиб борилса, деган ниятда эдим. Ундан ташқари яна ўқувчиларни қай даражада ўзлаштираётганларини назорат ҳам қилиниб турилса яхши бўларди. Масалан турли вазифалар берибми ёки тест синовлари ўтқизишибми, шунга ўхшаш имтихонлар. Имтихондан ўтган аъзолар ўқишни давом эттираверишади. Бу менгинг ожизона фикрим. Хато ва камчиликлар бўлса узр. Аллоҳ сизу бизни Ўзи паноҳида асрасин!

Жавоб: Ташаккур! Тез кунларда маслаҳат ва ҳаракатни бошлашни ният қилиб турибмиз. Олдин техник имкониятлар ва тайёргарлик кўрилади. Кейин устозлар. Сиз айтган дарслар бизнинг ниятимизда ҳам бор. Яна маслаҳат қиламиз. Дуо қилиб туринглар.